

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ “АКУШЕРЛИК, ГИНЕКОЛОГИЯ ВА
ПЕРИНАТОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ”**

СМАИЛОВА ЛАЗАТ КЕНЖЕБЕКОВНА

**ЎСМИРЛАРДА НОСПЕЦИФИК ВУЛЬВОВАГИНИТЛАР
ЦИТОКИНОТЕРАПИЯСИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Смаилова Лазат Кенжебековна

Ўсмирларда носпецифик вульвовагинитлар
цитокинотерапиясининг клиник-иммунологик жиҳатлари. 3

Смаилова Лазат Кенжебековна

Клинико-иммунологические аспекты цитокинотерапии
неспецифических вульвовагинитов у девочек и подростков 21

Smailova Lazat Kenzhebekovna

Clinical and immunological aspects of cytokine therapy
of nonspecific vulvovaginitis in girls and adolescents 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ “АКУШЕРЛИК, ГИНЕКОЛОГИЯ ВА
ПЕРИНАТОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ”**

СМАИЛОВА ЛАЗАТ КЕНЖЕБЕКОВНА

**ЎСМИРЛАРДА НОСПЕЦИФИК ВУЛЬВОВАГИНИТЛАР
ЦИТОКИНОТЕРАПИЯСИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестацион
комиссиясида B2017.1.Phd/Tib9 билан қайд қилинган.**

Диссертация ҚР (Қозоғистон Республикаси) ССВ акушерлик, гинекология ва перинатология Илмий маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш (www.tashpmi.uz) ва “ZiyoNet” (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталининг веб-саҳифасига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каримова Феруза Джавдатовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қаттаходжаева Махмуда Хамдамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аюпова Фарида Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва
гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда маълум шароитларда патоген хоссага эга бўлувчи ва кўпинча аёл жинсий аъзолари яллиғланиш касалликларининг сабабчиси бўлиб ҳисобланган қин нормал микрофлораси вакиллари (шартли-патоген микроорганизмлар) иштироки билан жинсий йўллар пастки қисмлари инфекцияларининг учраши ўсиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, аёл жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари барча гинекологик касалликлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди ва, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллариининг мавжудлигига қарамай долзарб муаммо бўлиб қолмоқда¹. “Аёл жинсий аъзоларининг яллиғланиши касалликлари” атамаси вульва ва қиннинг яллиғланишли шикастланиши, бачадон ва бачадон ортиқларининг яллиғланиши, шунингдек, тос тўқимасининг яллиғланиши каби аёл жинсий соҳасининг турли касалликларини ўз ичига мужассамлаштиради. Илмий тадқиқотларнинг маълумотларига кўра ёш қизларда вульвовагинитларнинг учраши 93%, ўсмирларда 53% гача етган, улардан 60% рецидивланувчи характерга эга бўлиб, носпецифик вульвовагинитлар 85% ни ташкил қилади².

Жаҳон амалиётида аёл жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари, хусусан ўсмирлардаги носпецифик вульвовагинитлар, иммун статус, ушбу патологиянинг терпийасини ўрганиш саволлари замонавий гинекологиянинг долзарб масалалари бўлиб ҳисобланади. Иммун статуснинг ўзгариши касалликнинг кечиши ва прогнозини аниқлаб беради. Шу боис иммунологик реактивлигининг исталган пасайиши кейинчалик шартли патоген микрофлоранинг фаоллашиши билан вагинал микрофлора мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси ўсмир қизларда носпецифик вульвовагинитларда иммун статусни тизимли ва маҳаллий даражада ўрганиш, касалликнинг турли клиник вариантларида иммуномодуляторларни асосли қўллаш, дифференциацияланган терапиянинг патогенетик асосланган оптимал схемасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикаларида ўсмир-қизлар орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, носпецифик вульвовагинитларнинг келиб чиқишида иммун механизмларни аниқлаш йўли билан оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш ва ушбу патологиянинг янги патогенетик асосланган терапиясининг дифференциацияланган усулини ишлаб чиқиш

¹ WHO 2016. Global health sector strategy on Sexually Transmitted Infections, 2016-2021 <http://www.who.int/reproductivehealth/publications/rtis/ghss-stis/en/>

² Адамьян Л.В. Вульвовагинит у девочек в препубертатном и пубертатном периодах развития (обзор литературы)/ Л.В.Адамьян, Е.В.Сибирская, И.Е.Колтунов, И.В.Поддубный, Л.В.Шостенко, А.В.Шостенко, Е.А.Шмелькова, В.В.Смоленцева// Проблемы репродукции.- 2018.-№ 3.-С.49-54.

ушбу соҳа мутахассисларининг олдида турган энг долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ушбу диссертацион тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПФ№-2650 билан тасдиқланган “Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-№-4947 билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида” ги Президент Қарори, ва 2017 йил 20 июндаги ПФ-№3071 билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга имкон беради; шунингдек, 2016 йил 15 январдаги ПФ-176-сон «2016-2019 йилларда Қозоғистон Республикаси соғлиқни сақлашни ривожлантириш «Денсаулық» Давлат Дастурини тасдиқлаш бўйича» фармони ва шу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган масалаларнинг ечимига ёрдам беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот IV Қозоғистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг “Ҳаёт ва саломатлик” ва VI Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтгача кўплаб тадқиқот ишларида муайян вульвовагинал инфекцияларни клиник ва иммунологик жиҳатдан ўрганишлар бўйича тадқиқотлар натижалари тақдим этилган (Ленкин С.Г., 2015). Болалар ва ўсмирлик даврида учрайдиган гинекологик касалликлар орасида кенг тарқалган патология сифатида шартли-патоген микроорганизмлар билан чақирилган инфекция натижасида келиб чиққан вульвовагинитлар шубҳасиз долзарб бўлиб қолмоқда (Раннева Л.К. ва ҳаммуал., 2016). Вульвовагинитни даволашнинг мураккаблиги кўплаб омиллар, шу жумладан болалик ва ўсмирлик даврида кенг қўлланиладиган антибиотикларга нисбатан касаллик кўзғатувчисининг резистентлигига боғлиқ (Кузнецова И.В. ва ҳаммуал., 2008; Савельева Г.М., 2017). Генитал трактнинг пастки қисмларида яллиғланиш жараёнининг маҳаллий ривожланиши кўпинча қиннинг таркибий ва физиологик хусусиятларига боғлиқ (Адамян Л.В. ва ҳаммуал., 2018). Шу сабабли қин шиллиқ қатламнинг ўрнашиб олган патогенларга жавобан ҳимоя омилларини ишлаб чиқариш қобилятини назардан четда қолдириб бўлмайди (Буралкина Н.А. ва ҳаммуал., 2010; Абдулазизова Ф.А. ва ҳаммуал., 2018). Илмий адабиётлар шарҳи умумий ва маҳаллий иммунитетнинг таркибий қисмлари ҳолати ҳақидаги зиддиятли маълумотларни тақдим этади (Лаврентьева И.В. ва ҳаммуал., 2009; Уварова Е.В. ва ҳаммуал., 2018; Nancy Van Eyk M. D. et al., 2009). Маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг маълумотларига кўра

вульвовагинитларда иммун тизими параметрларининг ўзгариши ва улар билан боғлиқ бўлган цитокин мувозанатининг бузилиши вульва ва кинда яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда иммуномодуляцион таъсирга эга бўлган дориларни қўллаш учун патогенетик асос бўлиб хизмат қилади (Ароченцева Н.В., Белая Ю.М., 2012; Зиядуллаев У.Х., 2013; Dei M. et al., 2010). Бундан ташқари, лаборатор иммун ташхислаш ва иммунологик мониторингини олиб бориш усуллари кенгайтириш жараёни фаол кечмоқда, бу иммун тизим дисфункциясини аниқ ташхислаш, касаллик кечишининг характери, терапия самарадорлигини аниқлашга имкон беради, бу эса кейинчалик иммунотроп препаратни танлашни аниқлаб беради (Егорова В. Н. ва ҳаммуал., 2012; Белова О.Г., Куликова Н.В., 2015; Altchek A., Deligdisch L., 2009).

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикасида К.Ж. Кульбаева (1991) томонидан ўсмир-қизлар репродуктив тизимининг шаклланиши, А.Ш. Баубекова (2010), А.М. Сапарбеков (2001,) томонидан репродуктив саломатликни баҳолаш (2010), Н.С. Карабалын (2007), Г.Д. Кошкимбаева (2009), Г.Ж. Шакиева томонидан ўсмирлар орасида учрайдиган ЖЙБЮИ (2001), А.Б. Исенова (2010), Ж.Р. Ажетова (2003), Г.Б. Бапаева (2001) томонидан соматик ва гинекологик патологиянинг учраши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган, ўсмирларда вульвовагинитларнинг клиник-иммунологик текширувлари бўйича ишлар ўтказилмаган.

Энг самарали иммуномодуляторни ҳисобга олган ҳолда даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли, тақдим этилган ушбу тадқиқот иши долзарб ҳисобланади, чунки тадқиқот янги илмий натижаларга эришиш учун йўналтирилганлиги ва уларнинг жорий этилиши клиник вазифаларни ҳал қилиш, ўсмирларда носпецифик вульвовагинитларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга ёрдам беради. Ушбу муаммонинг ечими билан боғлиқ бўлган масалалар батафсил ўрганишга лойиқ, бу эса ушбу тадқиқотни ўтқозишга сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малака ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режалари ва Қозоғистон Республикаси Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий марказининг №0103 РК 00464 «Турли ёш гуруҳларида репродуктив фаолиятни асраш ва тиклашнинг янги технологиялари» (2007-2010 йй.) илмий-техник дастурига мувофиқ бажарилган ва 2012-2020 йилларга VI “Тиббиёт ва фармакология” Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади иммуномодуляторларни қўллаш орқали ўсмирларда учрайдиган носпецифик вульвовагинитни даволаш самарадорлигини ошириш ва оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмирларда носпецифик вульвовагинитда соматик ва гинекологик патологиянинг учраши, тузилиши ва аҳамиятини ўрганиш;

ўсмирларда носпецифик вульвовагинитнинг клиник кечишининг хусусиятларини баҳолаш;

ўсмирларда носпецифик вульвовагинитда иммун ва цитокинлар кўрсаткичлари, қин ажралмасидаги (оқиндиси) нейтрофиллар фагоцитар фаоллигининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

қиз болалар ва ўсмирларда носпецифик вульвовагинитлари кечишининг турли вариантларида вагинал ажратмаси нейтрофиллари фагоцитар фаоллиги, иммун тизими ва цитокинлар кўрсаткичлари ҳолатига кўра даволашнинг мукамал схемасини ишлаб чиқиш;

ўсмирларда носпецифик вульвовагинитларни дифферецирланган даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида назорат гуруҳи учун 20 нафарини соғлом пациент ташкил қилган, жинсий алоқа бошламаган, ҳайз кўрган 124 нафар пациентлар ва касалликнинг ўткир ости кечиши бўлган 62 нафар пациент ва ўткир кечиши бўлган 42 нафар пациентдан иборат носпецифик вульвовагинит билан оғриган 104 нафар пациентлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети: хужайравий иммунитет ва цитокинлар кўрсаткичларини ўрганиш учун қон зардоби намуналаридан фойдаланилди, микробиологик текширувлар ва нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ўрганиш учун қин ажралмаси олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Олдимизга қўйилган вазифаларни ечиш учун қуйидагилардан фойдаланилди: касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилиш, клиник текширув, микробиологик текширув натижалари, лимфоцитларнинг субпопуляцион таркиби, цитокинлар статуси, қин ажралмасидаги нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини баҳолаш, кичик тос аъзоларининг трансабдоминал ультратовушли текшируви ва текширувнинг статистик усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

носпецифик вульвовагинит ривожланишига анамнездаги болалар инфекцияси, нафас йўллари касалликларининг кўп учраши, ЛОР касалликлар ҳамда менструал циклнинг дисфункциялари таъсири исботланган;

ўсмир-қизларда ўткир ва ўткирости носпецифик вульвовагинитларнинг клиник ва дифференциал хусусиятлари аниқланган;

ўсмирларда носпецифик вульвовагинит патогенезида хужайравий иммунитет, цитокин ҳолати ўзгаришининг ва қин ажратмаси нейтрофиллари фагоцитар фаоллигининг камайиши орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларининг ўзгариши яллиғланиш жараёнининг клиник кечиши ва давомийлигига боғлиқлиги исботланган;

носпецифик вульвовагинитнинг ўткирости кечишида иккиламчи иммунтанқислик ривожланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммунтанқисликнинг патогенетик роли нуқтаи назаридан ўсмирларда носпецифик вульвовагинитнинг ривожланиш механизмлари аниқланган;

Ўсмирларда носпецифик вульвовагинитларни ташхислашнинг кўп маълумотли мезонлари (клиник, микробиологик, иммунологик) таклиф этилган;

илк бор носпецифик вульвовагинит бўлган ўсмирларни клиник-лаборатор текширув асосида дифференциал терапиянинг патогенетик асосланган мукамал схемалари ишлаб чиқилган.

амалий болалар-ўсмирлар гинекологияси учун носпецифик вульвовагинит билан оғриган беморларини олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширувда фойдаланилган замонавий клиник, лаборатор-инструментал, статистик усуллар, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий асосларга адекватлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий текширув натижалари билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иммункоррекцияловчи терапияни танлашни асослаб берувчи носпецифик вульвовагинитлар ривожланишининг патогенетик механизмини ўрнатишдан иборат. Аниқланган мезонлар иммун, цитокинли статус, қин ажралмасидаги нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги асосида кечишининг характерини верификация қилишга имкон беради ва патогенетик даражада комплекс терапияда касалликнинг чўзилувчан кечишини камайтиришга, клиник аҳамиятга эга бўлган ижобий самарага эришишга имкон берувчи рекомбинант интерлейкин-2 нинг қўлланилишини илмий асослаб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, терапиянинг ишлаб чиқилган ва тавсия этилган оптимал схемалари бемор аҳволининг клиник яхшиланишига эришиш, даво муддатини қисқартириш, ремиссия даврининг узайиши, беморлар ҳаёт сифатини ошириш, иқтисодий сарф-харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда носпецифик вульвовагинитларни ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Қиз болалар ва ўсмирларда носпецифик вульвовагинитлар (ташхислаш ва даволаш)” услубий тавсияси тасдиқланган ва жорий қилинган (Нашр “02” март 2018й. Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази Илмий кенгашининг №1-сонли баённомаси билан маъқулланган). Мазкур услубий тавсия клиник яхшиланиш, микробиологик, иммунологик, цитокин кўрсаткичларининг меъёрлашиши, касалликнинг яхши яқун топишига имкон беради.

Иммункоррекцияловчи препаратларни киритиш билан ўсмирларда носпецифик вульвовагинитларнинг дифференциацияланган терапияси бўйича илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиёти, хусусан, ҚР ССВ акушерлик, гинекология ва перинатология Илмий маркази

(14.05.18й. №6-сонли жорий этиш акти), “University Medical Center” Корпоратив Фондининг оналик ва болалик” Миллий Илмий маркази (20.03.2018й. №7-сонли жорий этиш акти), инсон репродукцияси шаҳар маркази, Олмаота №11-сонли шаҳар поликлиникаси амалиётига жорий қилинган.

Касаллик кечишининг давомийлиги, клиник ифодаланганлининг 2 мартага қисқариши, иммунологик ва цитокин кўрсаткичларининг меъёрлашиши маҳаллий иммункоррекцияловчи терапиянинг юқори даражадаги клиник самарадорлиги ҳақида далолат беради. Тадқиқотнинг жорий қилинган натижалари касаллик давомийлигини камайтириш, касаллик клиникасининг ифодаланганлигини пасайтириш, ёш пациентлар ҳаёт сифатини оширишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган текширувнинг долзарблиги ва талабгорлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган изланиш объекти ва предмети характерланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича маълумотлар келтирилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар такдим этилган.

Диссертациянинг **“Қизлар ва ўсмирларда вулвовагинитлар муаммоларининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида ёш жиҳатидан вулвовагинитларнинг тарқалганлиги ва тузилишига кўра маҳаллий ва хорижий адабиётлар, ёш жиҳатидан қиннинг нормал микробиоценози ва қиннинг биологик ҳимоя функцияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган, иммун ва цитокинли статус, жинсий тизимнинг умумий ва маҳаллий иммунитетини ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Носпецифик вулвовагинитлар бўлган ўсмирларда текшириш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 2007-2010 йиллар мобайнида текширув ўтказилган қизлар ва ўсмирларнинг

умумий характеристикалари келтирилган, махсус тадқиқот усуллари ёритиб берилган. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ носпецифик вулвовагинит бўлган, ҳайз кўрган, жинсий алоқа бошланмаган тўлиқ 11 ёшдан тўлиқ 18 ёшгача бўлган 104 нафар ўсмирларда чуқур текширувлар ўтказилган. Танлов мезонлари сифатида шикоятларнинг мавжудлиги, носпецифик вулвовагинит мавжудлигининг клиник ва лаборатор тасдиғи, ҳозирги текширувга қадар бир ой ичида тизимли ва маҳаллий антибактериал даволаш ўтказилмаганлиги, инкор этилган ЖЙБЮИ лар олинди. Улардан 62 нафаридан (II гуруҳ) носпецифик вулвовагинитнинг ўткирости ва 42 нафар (III гуруҳ) беморларда эса касалликнинг ўткир кечиши аниқланди. Таққослаш гуруҳига (I гуруҳ) 20 нафар соғлом пациентлар киритилди. Шикоятларнинг йўқлиги, вагинал микрофлоранинг нормал клиник ва микробиологик тасдиғи, инкор этилган ЖЙБЮИ лар, ҳозирги текширувга қадар бир ой ичида тизимли ва маҳаллий антибактериал даволаш ўтказилмаганлиги танлов мезонлари сифатида олинди.

Ташхисни текшириш (верификациялаш) шикоятлар, анамнез маълумотлари, клиник, микробиологик, иммунологик ва цитокин текширувлар натижалари асосида белгиланди.

Ташхис қарорини қабул қилиш стратегияси:

I босқич: анамнез маълумотлари, клиник субьектив ва объектив симптомларни таҳлил қилиш, клиник материални олиш техникасига риоя қилиш билан клиник материалларга эга бўлиш.

II босқич: лаборатор тадқиқотлар.

III босқич. клиник, микробиологик, иммунологик, цитокин тадқиқотлар натижаларини таққослаш, ташхис қўйиш.

Қин ажралмасининг микробиологик текшируви (бактериоскопик): носпецифик бактериал вулвовагинитнинг асосий белгиси шартли патоген микрофлора бўлиб, беморлар контингенти бошиданок “носпецифик”, яъни, носпецифик вулвовагинит бўлган беморлар бўлди, бу эса гуруҳларни танлаш услубиятининг тўғрилигини тасдиқлади.

Жинсий йўл билан юкувчи инфекцияларни инкор этиш Урогенитал инфекцияларнинг диагностикаси ЖЙБЮИ ларни аниқлаш учун РФ Новосибирск вилояти «Вектор-Бест» ЁАЖ/Колцово томонидан ишлаб чиқарилган реагентлар тўплами ёрдамида ПЗР усулида (Олмаота ш. ИИДҚ) амалга оширилди.

Иммунологик тадқиқотлар: периферик қонда CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ лимфоцитларнинг субпопуляцион таркибини баҳолаш «Статус» (Сорбент МЧЖ / Подолск, Россия) томонидан ишлаб чиқарилган «иккита белгили» лазер оқимли цитометри ёрдамида моноклонал антитаналарни қўллаган ҳолда ҚР ССВ ПваБЖИМ нинг иммунология лабораториясида амалга оширилди, яъни қон намунасига бир вақтнинг ўзида моноклонал таркибида турли бўёвчи моддалар (FITC – флюорисцеин-5-изотиоционат и PE – фикоэритрин) бўлган антителаларнинг иккита тури қўшилди.

Цитокин тадқиқотлари ҚР ССВ АГваПИМ иммунология лабораториясида ўтказилди.

Цитокин текширувлари ҚР ССВ АГваПИМ иммунология лабораториясида олиб борилди. IL-6 цитокин концентрацияси «Цитокин» (СПб / РФ) МЧШда ишлаб чиқарилган иммунофермент таҳлили учун тегишли тест-тизими, гамма-Интерферон-ИФА-БЕСТ ва альфа-ФНО-ИФА-БЕСТ иммунофермент таҳлили учун «Вектор-Бест» (/Кольцово, Новосибирск вил., РФ) ЁАЖда ишлаб чиқарилган IFN- γ , TNF- α тегишли тест-тизимлари ёрдамида аниқланди. ҚР ССВ АГваПИМ иммунология лабораториясида вагинал секретция нейтрофилларининг фагоцитар фаоллиги (фагоцитар индекси, фагоцитар миқдори, нейтрофилларнинг ютиш ва ҳазм қилиш қобилияти) баҳоланди.

Аниқланган иммунологик, цитокин ўзгаришлари, қин секретцияси фагоцитар функциясини тузатиш учун II ва III гуруҳлар учун дифференциаллашган даволаш схемаси ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

II гуруҳ – носпецифик вульвовагинитнинг ўткирости ҳолати бўлган 62 нафар бемор:

II А - 20 нафар бемор; 1 схема (стандарт даволаш + Ронколейкин 250 минг бирликда, 1 мл. икки маротаба, локал кунора);

II В - 25 нафар бемор; 2 схема (стандарт даволаш + Ронколейкин 250 минг бирликда, 1 мл. кунора икки маротаба, т/о);

II С - 17 нафар бемор; 3 схема (анъанавий даволаш).

III гуруҳ – ўткир носпецифик вульвовагинит бўлган 42 нафар бемор: 2 схема (стандарт даволаш + Ронколейкин 250 минг бирликда, 1 мл. бир маротаба, т/о);

Statistica 10 ва SAS JMP 11 амалий дастурларининг пакетларидан фойдаланиб маълумотларга статистик ишлов берилди. Манна-Уитни нопараметрик мезонлари асосида миқдорий шкалалар бўйича иккала гуруҳ таққосланди. Краскел-Уоллес нопараметрик мезонлари асосида миқдорий шкалалар бўйича уч ва ундан ортиқ гуруҳлар таққосланди. Миқдорий кўрсаткичларни ёритиш учун ўртача қиймат ва « $M \pm S$ » форматида стандарт оғишдан фойдаланилди. Ўзгарувчан миқдорлар учун барча графикларда ўртача арифметик қиймат нуқта билан, медиана горизонтал кесма, кватиличи масофа тўғри бурчак билан, минимал ва максимал қийматлар вертикал кесма билан белгиланган. Икки даврни таққослаш ҳолатида кўрсаткичлар динамикасининг таҳлили Вилкоксон нопараметрик мезонлари асосида, уч ёки ундан ортиқ даврларни таққослаш ҳолатида – Фридман мезонлари асосида олиб борилди. Бинар ва номинар кўрсаткичлар учун турли қийматларнинг статистик аҳамияти Пирсон Хи-квадрат мезонларидан фойдаланиб аниқланди. Статистик аҳамият даражаси хато эҳтимолининг 0,05 даражасида белгиланди.

Диссертациянинг «**Текширувдан ўтган ўсмирларнинг клиник-иммунологик маълумотлари**» деб номланган учинчи бобида носпецифик вульвовагинитда анамнестик, клиник, иммунологик, цитокин, микробиологик тадқиқотлар натижалари, қин секретцияси нейтрофилларининг фагоцитар фаоллиги таҳлил қилинди.

Қизларда менархенинг ўртача ёши 12 ёшни ташкил қилган (P даражаси ($df=2$) 0,5738), бу адабиёт маълумотларига кўра кўпчилик ўсмир-қизларда ҳайз кўришнинг бошланишига тўғри келади (12-15 ёш). “Экстрагенитал касалликлар” категорияси бўйича гуруҳлар деярли бир-биридан фарқ қилмаган (P даражаси ($df=2$)). Экстрагенитал патология тузилмасида тез-тез учрайдиган нафас аъзоларининг ўткир ва сурункали касалликлари 33% ҳолатларда етакчи ўринни эгаллаган. Анамнестик маълумотларнинг тахлили шуни кўрсатдики, вулвовагинит бўлган кўпчилик пациентлар туғилганидан бошлаб нафас аъзоларининг ўткир ва сурункали касалликлари билан оғриганлар, юқори нафас йўллариининг ўткир вирусли ва респиратор касалликларини бошдан кечирганлар, эҳтимол булар вулвовагинит учун преморбид фон бўлиб ҳисобланган бўлиши мумкин. 24 пациентлар (21,2%) бир ёки бир неча болалар юқумли касалликларини ўтказганлар, асосан вирусли характерга эга бўлган инфекция касалликларнинг юқори частотада учраши келажакда репродуктив тизимнинг бузилишларига олиб келиши мумкин. Текширувларимиз шуни кўрсатдики, юқори нафас йўллари, ЛОР аъзоларининг ўткир ва сурункали касалликлари вулвовагинитнинг маркери бўлиб ҳисобланди, бу 53,8% ҳолатда ўз тасдиғини топди.

“Гинекологик касалликлар” категорияси бўйича гуруҳлар деярли бир-биридан фарқ қилмаган, вулвовагинит бундан мустасно (P ($df=2$) 0,0396). Гинекологик анамнезни ўрганишда шу нарса аниқландики, 24 (23,0%) пациентлар болалигида вулвовагинитдан бир неча марта даволанган. Қиёсий тахлил олиб борилганда касалликнинг ўткир кечиши билан таққосланганда носпецифик вулвовагинитнинг ўткирости кечиши бўлган пациентларда илгари вулвовагинит 2 марта кўп учраган. “Оофоритнинг эхо белгилари” ёки «Салпингитнинг эхо белгилари» каби кичик тос аъзоларининг УТТ хулосаларига кўра салпингит ва оофарит ташхислари ултратовушли ташхислаш бўйича мутахассислар томонидан қўйилган, бироқ ректоабдоминал текширувда бачадон ортиқларини пайпаслаб кўрилганда оғриқ, бачадон ортиқларининг бироз катталашини, бачадон ортиқлари соҳасида тизимча, бачадон ва ортиқларининг силжиши каби оофарит ва салпингитнинг диагностик мезонлари аниқланмаган ва клиник кўриниши ҳам кузатилмаган.

Текширувдан ўтган пациентларнинг 15 (12%) нафарида менструал функциянинг бузилиши аниқланган, олиб борилган сўровномага кўра уларнинг умумий аҳволи ва ҳаёт сифатига таъсир кўрсатмасида, гипоменструал синдром оғриқли, кам кузатиладиган, кам миқдордаги ва кам давом этадиган менструация, гиперменструал синдром кўп миқдордаги ва давомий менструация билан намоён бўлган.

Ўткирости кечишида қизариш 66,1%, қичишиш 50,0 %, ачишиш 40,3 %, ташқи жинсий аъзолар соҳасида оғриқ 33,9 %, ажралма келиши 25,8%, дизурия 11,3% ҳолатларда асосий шикоятлар бўлиб ҳисобланди (1-жадвал).

Визуал кўрувда қинга кириш йўлининг гиперемияси 80,6% ва унинг шиши 48,4% ҳолатларда аниқланди.

Жадвал 1

“Даволанишгача” даврда бинар ўзгарувчан бўйича “Шикоятлар” ва “Объектив маълумотлар” категорияларининг ўзгарувчан “Гурух” қийматини таққослаш (кўрсаткичнинг мавжудлик фоизи).

Кўрсаткичлар	Ўткирости вульвовагинит (n=62)	Ўткир вульвовагинит (n=42)	Жами	P даражаси (df=2)
Шикоятлар				
Ажралма	16 (25,8%)	19 (45,2%)	35	0,0009
Қизариш	41 (66,1%)	30 (71,4%)	71	<0,0001
Вульвовагинал қичишиш	31 (50,0%)	24 (57,1%)	55	<0,0001
Ачишиш	25 (40,3%)	22 (52,4%)	47	0,0003
Вульвовагинал оғриқ	21 (33,9%)	18 (42,9%)	39	0,0026
Оғриқли сийиш	7 (11,3%)	5 (11,9%)	12	0,2772
Объектив маълумотлар				
Катта жинсий лаблар гиперемияси	18 (29,0%)	23 (54,8%)	41	<0,0001
Қинга кириш йўлининг гиперемияси	50 (80,6%)	39 (92,9%)	89	<0,0001
Уретра ташқи тешиги гиперемияси	29 (46,8%)	16 (38,1%)	45	0,0007
Катта жинсий лаблар шиши	12 (19,4%)	13 (31,0%)	25	0,0173
Қинга кириш йўлининг шиллик қаватининг шиши	30 (48,4%)	30 (71,4%)	60	<0,0001
Уретра ташқи тешиги шиши	16 (25,8%)	13 (31,0%)	29	0,0218
Оралик гиперемияси	15 (24,2%)	16 (38,1%)	31	0,0052

Уретра ташқи тешигининг гиперемияси ва шиши 46,8% ва 25,8%.

Катта жинсий лаблар гиперемияси ва шиши 29,0% ва 19,4%.

Оралик гиперемияси 24,2% да аниқланди. Кўрувда касалликнинг ўткирости кечишида яллиғланиш симптомларининг ифодаланганлик даражасидаги диссонанс эътиборни жалб қилди. Ўткирости вульвовагинит учун катта ва кичик лаблар ички юзаларининг чегараланган гиперемияси, қинга кириш йўлининг димланган гиперемияси ва шиши, кучсиз ифодаланган субъектив маълумотларда қон томирларининг инъекцияланганлиги яллиғланиш жараёнининг объектив белгилари бўлиб ҳисобланади.

Ўткир кечишида жинсий аъзолар соҳасидаги қизариш 71,4%, қичишиш 57,1% ва ачишиш 52,4% ҳолатларда энг кўп учраган шикоятлар бўлиб ҳисобланди. Кўрувда қинга кириш йўли шиллик қаватининг гиперемияси 92,9% ва шиши 71,4% аниқланди.

Шундай қилиб, вульвовагинит билан оғриган гурухларда даволанишгача кўпинча қизариш ва қичишишга бўлган шикоятлар кўп кузатилган, деб хулоса қилиш мумкин. Ўткирости вульвовагинит бўлган гурухга нисбатан ўткир вульвовагинит бўлган гурухда кўпинча ажралма келиши, ачишиш ва оғриқ каби шикоятлар кўп кузатилган. Шунингдек объектив текширувнинг барча кўрсаткичлари бўйича ҳам гурухлар фарқ қилган (2-жадвал).

Кўрув вақтида даволанишгача вульвовагинитнинг ўткирости кечишида ажралмаларнинг кам миқдорда келиши 64,5%, ўртача миқдорда келиши 35,5% ни ташкил қилган бўлса, ўткир кечишида эса ажралманинг кўп миқдорда келиши 40,5%, ўртача миқдорда келиши 59,5% ни ташкил қилган.

Ўткирости кечишида ажралманинг кўп миқдорда, ўткир кечишида эса кам миқдорда бўлиши текширувдан ўтган пациентларда кузатилмаган.

Жадвал 2

“Даволанишгача” даврда “Вагинал ажралма миқдори ва характери” категорияларини ўзгарувчан бинар бўйича ўзгарувчан “Гурух” қийматларини таққослаш (кўрсаткичнинг мавжудлик фоизи).

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	Ўткирости вульвовагинит (n=62)	Ўткир вульвовагинит (n=42)	Р даражаси (df=6)
Ажралма миқдори				
кам	6 (30,0%)	40 (64,5%)	0 (0,0%)	<0,0001
ўртача	14 (70,0%)	22 (35,5%)	25 (59,5%)	
кўп	0 (0,0%)	0 (0,0%)	17 (40,5%)	
Ажралма ранги				
Оқимтир	20 (100,0%)	0 (0,0%)	0 (0,0%)	<0,0001
Оқимтир-сарғиш	0 (0,0%)	27 (43,5%)	8 (19,0%)	
Сарғиш	0 (0,0%)	22 (35,5%)	16 (38,1%)	
Сарғиш-кўкимтир	0 (0,0%)	13 (21,0%)	17 (40,5%)	
Йўк	0 (0,0%)	0 (0,0%)	1 (2,4%)	

Қиндан келган ажралма рангининг характери бўйича II гуруҳда 21% ҳолатда ва III гуруҳда 40,5% ҳолатда сарғиш-яшил, мос равишда 35,5% ва 38,1% ҳолатларда сарғиш, 43,5 % и 19% ҳолатларда оқимтир-сарғиш бўлган.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, статистик аҳамиятга эга ажралма миқдорининг кўрсаткичи бўйича фарқланади: ажралма вульвовагинит бўлган гуруҳларда кўпроқ, ажралманинг ранги бўйича гуруҳлар фарқланади: назорат гуруҳида фақат оқимтир ранг, ўткирости вульвовагинит бўлган гуруҳда эса – оқимтир-сарғиш ва сарғиш ранг учрайди, ўткир вульвовагинит бўлган гуруҳда сарғиш ва сарғимтир-яшил ранг устунлик қилади.

3 - жадвал асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, вульвовагинит бўлган гуруҳларда аҳамиятли даражада юқори бўлган лейкоцитлар, эпителий, шиллик бўйича гуруҳлар бир-биридан фарқланади. Гуруҳлар шунингдек микрофлора бўйича ҳам фарқланади: назорат гуруҳига (73,8-35,7% vs 20%) нисбатан вариабелли кўпинча ўткирости ва ўткир вульвовагинит бўлган гуруҳларда кўп учрайди, Гр+ ўткирости вульвовагинит бўлган гуруҳга (80%, 64,3%, 13%) нисбатан назорат гуруҳида ва ўткир вульвовагинит бўлган гуруҳда кўп учрайди, замбуруғлар кўпроқ ўткир вульвовагинит бўлган гуруҳда (13% vs 0%) мавжуд.

Соғлом қизлар ва ўсмирларда (I гуруҳ) қин ажралмасини Грам бўйича суртмаларини микроскопик текширувининг натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди: бир-икки лейкоцитлар кўрув майдонида 85,0%, 10 дан кам кўрув майдонида 15,0%, эпителиал хужайралар кўрув майдонида кам миқдорда 85,0%, ўртача миқдорда 15,0%, ўртача миқдорда шиллик 55%, коккли Грам (+) микрофлора 80,0%, аралаш Грам (+), Грам (-), грамвариабел флорали

20,0% ҳолатларда учраган, бу пубертат ёшдаги микрофлоранинг меъёрий кўрсаткичларига мос келади.

Жадвал 3

“Даволанишгача” бўлган даврда “Вагинал ажралманинг бактериологик текшируви” категориясининг бинар ўзгарувчан бўйича ўзгарувчан “Турух” қийматини таққослаш (кўрсаткичнинг мавжудлик фоизи).

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	Ўткирости вульвовагинит (n=62)	Ўткир вульвовагинит (n=42)	P даражаси (df=6)
Лейкоцитлар				
Йўк	17 (85,0%)	0 (0,0%)	0 (0,0%)	<0,0001
10 гача	3 (15,0%)	0 (0,0%)	0 (0,0%)	
11 дан 19 гача	0 (0,0%)	19 (30,6%)	10 (23,8%)	
20 ва ундан ортиқ	0 (0,0%)	43 (69,4%)	32 (76,2%)	
Эпителий				
3 дан 6 гача	17 (85,0%)	7 (11,3%)	6 (14,3%)	<0,0001
7 дан 10 гача	3 (15,0%)	37 (59,7%)	17 (40,5%)	
11 дан 15 гача	0 (0,0%)	18 (29,0%)	19 (45,2%)	
Шиллик				
кам	9 (45,0%)	11 (18,0%)	6 (14,3%)	0,0006
ўртача	11 (55,0%)	27 (44,3%)	13 (31,0%)	
кўп	0 (0,0%)	23 (37,7%)	23 (54,8%)	
Микроорганизмлар				
Вариабелли	4 (20,0%)	45 (73,8%)	15 (35,7%)	<0,0001
Гр+	16 (80,0%)	8 (13,1%)	27 (64,3%)	
Замбуруғлар	0 (0,0%)	8 (13,1%)	0 (0,0%)	

Қин ажралмасини Гр бўйича суртмаларини микроскопик текширувининг натижаларига кўра II ва III гуруҳлар таққослаб кўрилганда қуйидагилар аниқланди: лейкоцитлар кўп миқдорда 69,4% ва 76,2%, ўртача миқдорда 30,6% ва 23,8% ҳолатларда учраган. Эпителиал ҳужайраларнинг десквамацияси II ва III гуруҳлар таққослаб кўрилганда 29,0% ва 45,2% ҳолатларда кучли, 11,3% ва 14,3% ҳолатларда кучсиз ифодаланган. Қин ажралмаси микрофлораси II ва III гуруҳларда коккли Грам (+) флора 13,1% ва 64,3%, аралаш Грам (+), Грам (-), грамвариабелли флора билан мос равишда 73,8% ва 35,7% ни ташкил қилган. II гуруҳда микроскопия қилинганда хамиртурушсимон замбуруғлар 13,1% ҳолатда аниқланган бўлиб, ПЗР да натижа манфий бўлган. Вулвовагинитнинг кучли ифодаланган клиник кўринишида кундалик амалий ишда Грам бўйича бўяш, ПЗР каби ташхислашнинг бошқа усуллари мавжудлигида ўтказиш муддати узок бўлганлиги, нархи қимматлиги боис ЖССТ культурал текширувни қўллашни тавсия этмайди. Шундай қилиб, пациентлар контингенти бошиданок “носпецифик”, яъни носпецифик вульвовагинит бўлган пациентлардан иборат бўлган ва шартли патоген флора асосий маркер бўлиб ҳисобланган, бу гуруҳларни танлашда тўғри услуб қўлланганлигини тасдиқлайди.

Жадвал 4 асосида шундай хулосага келиш мумкинки, даволанишгача гуруҳлар деярли барча иммунологик кўрсаткичлар бўйича аҳамиятли даражада фарқ қилган, бунда назорат гуруҳи CD3, CD4, CD8, CD20 ва TNF α

каби кўрсаткичлар бўйича ўткирости вулвовагинит бўлган гурухга нисбатан ўткир вулвовагинит бўлган гурухга яқинроқ бўлган. IL6 кўрсаткичи вулвовагинит бўлган гурух билан таққосланганда назорат гурухида паст бўлган (ўртача 13-15 пг/мл га).

Жадвал 4

“Даволанишгача” бўлган даврда “Иммунологик кўрсаткичлар” категориясининг бинар ўзгарувчан бўйича ўзгарувчан “Гурух” қийматини таққослаш (ўртача ± ўрта квадратик оғишлар).

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	Ўткирости вулвовагинит (n=62)	Ўткир вулвовагинит (n=42)	P даражаси (df=2)
CD3%	64,54 ± 0,34	59,42 ± 2,21	69,21 ± 7,03	<0,0001
CD4%	53,92 ± 1,17	49,49 ± 2,67	53,08 ± 4,83	<0,0001
CD8%	23,21 ± 0,83	20,77 ± 2,09	22,05 ± 1,80	<0,0001
CD20%	15,32 ± 0,90	12,49 ± 0,65	14,89 ± 1,42	<0,0001
IL6 пг/мл	22,62 ± 2,12	38,19 ± 8,69	36,47 ± 36,45	<0,0001
IFNγ пг/мл	11,02 ± 0,89	12,46 ± 4,01	17,41 ± 17,55	0,3438
TNFα пг/мл	4,48 ± 0,65	3,96 ± 0,52	4,24 ± 1,10	0,0096

Жадвалдан кўриниб турибдики, носпецифик вулвовагинитнинг ўткир кечишида соғлом қизлар гурухидаги шундай кўрсаткичлари билан таққосланганда етилган Т-лимфоцитлар, CD3+лимфоцитларининг ошиш тенденцияси кузатилган, бунда Т-хелпер CD4+, цитотоксик CD8+ ва CD20+ В-лимфоцитлар даражаси соғлом гурухда шундай кўрсаткичлар даражасидан фарқ қилмаган. Ўткирости кечишида Т-лимфоцитлар CD3+лимфоцитлар нисбий миқдорининг, В-лимфоцитларнинг CD20+ лимфоцитлар (P<0,05) ишонарли пасайиши қайд этилган (P<0,05) ва соғлом қизлар гурухининг кўрсаткичлари билан таққослаганда, CD4+ ва CD8+ лимфоцитлари кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Кўрсатиб берилган ўзгаришлар шу ҳақида далолат берадики, яллиғланиш жараёнининг бошида инфекцион агентлар таъсири остида кейинчалик кўзгатувчиларнинг элиминацияси билан иммун тизимнинг активациясига йўналтирилган Т-лимфоцитларнинг интенсив адекват дифференцировкаси рўй беради. Шундай бўлсада, ўткир жараёнда CD4+ ва CD8+ лимфоцитларнинг меъёрий нисбий миқдори аниқланган. Цитотоксик Т-лимфоцитларнинг даражаси IFN-γ ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлиб, Th1- хужайравий тури бўйича иммун жавобнинг ривожланишини фаоллаштиради ва табиий киллерлар активациясида иштирок этади. Ўткир кечишнинг ўткирости кечишига ўтишида қонуний равишда хужайралараро ўзаро таъсирнинг бузилиши ва иммункомпетент хужайралари захира имкониятларининг камайиши натижасида Т- ва В-лимфоцитлар дифференцировкасининг бостирилишини кутиш мумкин.

Даволашгача TNF-α, IL-6, IFN-γ цитокинлари даражасини текшириш шуни кўрсатдики, периферик кон цитокин профилининг ўртача кўрсаткичлари, кўрсаткичларнинг кенг тарқоқлиги боис, назорат гурухининг ўртача кўрсаткичларидан ишонарли даражада фарқ қилмаган. Индивидуал кўрсаткичлар таҳлил қилинганда назорат қийматларининг 2 бараварга

ошганлиги, ҳамда – 4 марта ва ундан ортиқ юқори кўрсаткичлар қайд қилинган.

Жадвал 5

Текширувдан ўтганларда цитокинларнинг юқори даражадаги миқдорининг учраши

Кўрсаткич (пг/мл.)	I гуруҳ (n=20)	II гуруҳ (n=62)	III гуруҳ (n=42)
IFN- γ	0	15,0 \pm 8,0*	23,8 \pm 6,6**
TNF- α	10,0 \pm 6,7	20,0 \pm 8,9	21,4 \pm 6,3
IL-6	0	20,0 \pm 8,9*	14,3 \pm 5,4**
* 1 ва 2 гуруҳлар орасида $P \leq 0,05$ бўлганда тафовут ишонарли.			
** 1 ва 3 гуруҳлар орасида $P \leq 0,05$ бўлганда тафовут ишонарли.			

I гуруҳда IFN- γ , TNF- α ва IL-6 цитокинларининг юқори даражада бўлиши кузатилмаган. Яллиғланиш реакциясидан ташқарида қонда цитокинлар миқдори жуда кам бўлган. Организмга микроорганизмлар тушганида ёки тўқималар шикастланганида уларнинг синтези кучайишни бошлайди. TNF α нинг ошиши текширувдан ўтганларнинг 10% да қайд этилган.

Ўткирости кечишида (II гуруҳ) IFN- γ маҳсулотининг ошиши беморларнинг 15% да кузатилди, бунда адекват юқори даража (4 баробар) фақат бир беморда (5%) кузатилди. Иммунорегулятор IFN- γ ишлаб чиқарилишининг етишмаслиги CD4+ хужайралари функционал фаоллигининг бузилишини акс эттиради ва иммун дисфункциянинг шаклланишига ўз хиссасини кўшади. TNF- α ва IL-6 маҳсулотининг оширилган даражаси 20% беморларда қайд этилди, бунда адекват юқори даража (4 баробар ва ундан кўпроқ) биронта ҳам беморда кузатилмади, IL-6 эса – фақат 3 беморда кузатилди (15%) (3/20). TNF- α ва IL-6 маҳсулотининг бостирилиши шунингдек эффектор хужайраларнинг инфекция ўчоғига рекрутациянинг йўқлиги, фагоцитар ва бактерицид фаолликнинг пасайиши билан ассоциацияланади.

Ўткир кечишида (III гуруҳ) IFN γ маҳсулотининг ошиши бироз кўпроқ, 23,8% беморларда, қайд этилди, бунда етарли даражадаги юқори таркиб (4 баробар) 3/42 (7,1%) беморларда қайд этилди. TNF- α маҳсулотининг юқори даражаси 21,4% беморларда қайд этилди, бунда жуда юқори даражадаги (4 баробар ва ундан кўпроқ) маҳсулот битта ҳам беморда кузатилмади. IL-6 оширилган маҳсулотлари 14,3% беморларда кузатилди, бунда юқори даражадаги маҳсулот текширувдан ўтганларнинг 4,7% қайд этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, яллиғланган цитокиннинг IFN- γ ва IL-6 оширилган маҳсулоти ($P \leq 0,05$) касалликнинг ўткир ҳолатида, ўткирости ҳолат билан таққосланганда, 1,6 мартаба кўпроқ учраши аниқланди. Бироқ адекват даражада унинг юқори маҳсулоти носпецифик вулвовагинит кечишининг иккала вариантыда ҳам кузатилмади. Носпецифик вулвовагинит кечиш ҳолатининг ҳар иккала вариантыда ҳам унинг етарли даражадаги юқори маҳсулоти деярли кузатилмади. Бу яллиғланишга қарши цитокинлар фаоллигининг даражаси тўғридан – тўғри яллиғланиш жараёнининг клиник кечишига боғлиқлиги ҳақида далолат беради.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар инфекцияга қарши ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг йўқотилиши ҳақида далолат беради, чунки TNF α Т-ҳужайравий фаоллашиши ва учун моноклеар фагоцитларнинг фаоллашиши учун костимулятор вазифасини бажаради, фаоллашиши учун В-ҳужайралари орқали антитаналар ҳосил бўлишига ёрдам беради, IL6 иммунологик реакцияларнинг ўзига хослиги ва етарлилиги учун жавоб беради.

Шундай қилиб, иммунологик назоратнинг сусайганлиги шароитида яллиғланишга қарши цитокинлар маҳсулотининг бузилиши, қин секрецияси нейтрофиллари фагоцитар фаоллигининг ўзгариши билан намоён бўлувчи иммун статусдаги ўзгаришлар, нафақат кўзгатувчилар элиминациясининг нотўлиқ бўлиши, балки юқорига кўтарилувчи инфекциянинг ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Қиннинг локал химояси омиллари орасида фагоцитар тизим катта аҳмиятга эга. Патоген микробларга нисбатан фагоцитар функцияни амалга оширишдан ташқари нейтрофиллар, иммун жавобнинг индуктив ва афферент босқичларида иштирок этади. Шиллиқ қаватнинг антимикроб химояси, тўқималарда специфик иммун реакция, ҳамда резистентликнинг турли турлича механизмларини таъминлаб берувчи мукоз ассоциацияланган лимфоид тўқимани ўз ичига олган турли механизмлар билан таъминланади. Биз носпецифик вулвовагинитнинг кечишига кўра қин ажралмаси фагоцитар тизимининг кўрсаткичларини ўргандик. Қин секретини нейтрофиллари фагоцитар фаоллигини баҳолаш шуни аниқладики, вагинал секретнинг ҳазм қилиш функцияси ўсмирлик даврида яққол ифодаланган вақтда, I гуруҳда қин секретининг ютиш функцияси репродуктив ёшдаги соғлом аёллар параметрига мос келади.

Ўткир ости кечишида (II гуруҳ) вагинал секретнинг фагоцитар функцияси назорат гуруҳи (I гуруҳ) билан таққослаганда вагинал секретнинг ютиш қобиляти ўртача кўрсаткичларининг бироз ошганлигини аниқлади, бироқ ишонарли фарқ қилмади. Бунда, вагинал секрециянинг ҳазм қилиш қобиляти камайди, бу эса НСТ индексларининг стимуляция қилинган вариантда сезиларли пасайишида намоён бўлди (Стим. НСТ - $12,4 \pm 4,9\%$, $P \leq 0,05$). Спонтан НСТ кўрсаткичи тегишли назорат қийматларидан паст эди, бироқ сезиларли фарқ қилмади, бу эса кўрсаткичларнинг кенг тарқоқлиги билан боғлиқдир. Касалликнинг ўткир кечишида (III гуруҳ) вагинал секрециянинг ҳам ютиш, ва ҳамда ҳазм қилиш функцияларининг барча кўрсаткичлари назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ қилмади, бироқ спонтан ва стимуляция қилинган фагоцитар индексларининг ошиши ва фагоцитар миқдорининг камайиши тенденцияси кузатилди.

Касалликнинг ўткир ости кечишининг кўрсаткичларини ўткир кечиши билан солиштирганда, ютиш қобиляти бўйича сезиларли фарқ йўқ эди, аммо ўткир ҳолат олдида бактерицид фаоллигининг ўткир ҳолатдагига қараганда сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди. Носпецифик вулвовагинитнинг ўткир кечишида локал секреция фагоцитар функцияси

қоникарли эди, ўт кирости кечишида қоникарли ютиш функциянинг фонид вагинал секрециянинг бактерицид фаолияти камайганлиги кузатилди, бу эса бу беморларда фагоцитар аъзони коррекциялаш зарурлигини кўрсатади.

